

Тошкент ислом институтида 2024-2025 ўқув йили бошланди



11:28 / 09.09.2024 2110

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 33 йиллиги ҳамда 2024-2025 ўқув йилининг очилиши муносабати билан Тошкент ислом институтида «**Нажот - таълимда, нажот - тарбияда, нажот - билимда**» шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг дин ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси **Музаффар Комилов**, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, **муфтий Нуриддин Холиқназар** ҳазратлари, ЎМИ ўринбосари, ТИИ ректори, Дин ишлари бўйича қўмита бошқарма бошлиғи **Муҳиддин Ҳакимов** ҳамда бошқа давлат ва жамоат арбоблари, фахрий диний соҳа ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янграгач, институт талабаси Муҳаммадамин қори Нажмиддинов Қуръон тиловат қилиб берди ва дуойи фотиҳа қилинди.

Янги ўқув йилида ўқитувчи ва талабаларга ғайрат, шижоат ва барака сўраб муфтий ҳазратлари дуо қилдилар.